

## **МАХСУС САВОЛЛАР БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ: МОҲИЯТИ ВА ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР**

**И.Н.Қўзиев**

*Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон*

Аудиторлик ташкилоти махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи шаклининг бир хилда бўлишига риоя қилиши лозим. Шу мақсадда аудиторлик ҳисоботининг мақбул варианты, ушбу саволларни текшириш ва унинг натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботини тузишнинг соддалаштирилган ягона тартибини ишлаб чиқишга имкон берадиган маълумотлар таҳлил қилинган. Махсус саволни текшириш бўйича аудитор ҳисоботининг умумий шакли, асосий кўрсаткичлар, таҳлилий маълумотларни тақдим қилиш тартиби ўрганилган.

**Калит сўзлар:** аудитор, аудиторлик текшируви, аудитор ҳисоботи, молиявий ҳисобот аудити, аудитнинг халқаро стандартлари, махсус саволлар аудити, текширув натижалари, таҳлилий амаллар.

Аудиторская организация должна придерживаться единообразия аудиторского отчета по результатам проверки специального вопроса. Для этого были проанализированы данные и процедуры проверки этих проблем, что позволило упростить составить оптимальный вариант аудиторского отчета. А также изучен обзор аудиторского отчета, основные показатели и порядок предоставления аналитической информации по специальному вопросу.

**Ключевые слова:** аудитор, аудиторская проверка, аудиторское отчет, аудит финансовой отчетности, международные стандарты аудита, специальные вопросы аудита, результаты проверки, аналитические процедуры.

### **КИРИШ**

Махсус саволлар бўйича аудиторлик ҳисоботи шакли бўйича умумий тартиб ишлаб чиқилмаганлиги ушбу масалада илмий изланиш олиб бориш заруриятини вужудга келтиради. Махсус саволлар бўйича текширувларини амалга ошириш жараёнида аудитор олдида қўйилган масалаларни умумий ва махсус шаклларга бўлиб олишимиз лозим. Бунда аудитор олдида қўйилган вазифага қараб унинг аудит қилиш жараёнида қандай саволларни ўрганиши, ушбу саволларнинг қўйилиши бўйича тузилган аудиторлик режаси ва дастури асосида таҳлилий амаллар бажарилади. Мазкур саволларни текшириш бухгалтерия ҳисобининг кўрсаткичлари, счётлардаги ахборотлар, молиявий ҳисоботлар ва уларнинг ахборот таъминотини ўрганишдан бошланади ҳамда шу асосда аудит ўтказиш учун аудиторлик гуруҳи шаклланади.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Аудиторлик ҳисоботни тузиш масалалари кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Хусусан иқтисодчи олимлар А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқулов “Махсус аудит ўтказиш бўйича келишувлар қуйидаги ҳисоботларга қўлланилади: бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ёки миллий стандартлардан фарқли бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровчи асосига

мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот, ўзига хос бўлган ҳисобварақлар, ҳисобварақлар элементлари ёки молиявий ҳисоботдаги моддалар, шарномавий мажбуриятларга мувофиқлиги, умумлаштирилган молиявий ҳисобот” деб таъкидлашган [8, 312].

А.Д. Шеремет ва В.П. Суйцларнинг фикрича, “Махсус масалаларга мўлжалланган аудиторлик текшируви молиявий ахборотларнинг айрим томонларини очиб бериш учун қўлланилади, яъни махсус мақсадлар учун тайёрланган бўлиб, хусусан, молиявий ҳисоботнинг айрим компонентлари тўғрисида, солиққа тортиш, дебиторлик қарзлари, шартноларнинг бажарилиши, фойданинг тақсимланиши каби айрим масалаларни очиб бериш учун фойдаланилади” [4].

Б.Т. Жарылгасова ва А.Е. Суглобовларнинг фикрича, “Махсус мақсадли махсус саволларни текшириш тартиби бўйича унинг натижаларини расмийлаштириш учун алоҳида аудиторлик ҳисоботи тузилиши лозимлиги белгиланган. У махсус мақсадли асосга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини ўзида акс эттиради” [6].

### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолияти бир қанча ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Ҳозирги кунда замонавий аудиторлик фаолияти деганда, аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга ошириладиган ва умумий аудит амалиётини бир хил усул, талаблар асосида ташкил этиш масаласи тушунилади. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш мақсадида халқаро аудит амалиётидан келиб чиққан ҳолда уни амалга оширишда қўлланиладиган усулларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш талаб этилмоқда.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан компания ва фирмаларнинг молиявий ҳисоботларини аудит ўтказиш натижаси бўйича аудиторлик хулосаларини чет эллик инвесторлар томонидан тан олинishi масаласида айрим муаммоли томонлар мавжуд, яъни, ушбу аудиторлик текширувлари аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга оширилганлиги ва ушбу аудиторлик ташкилотининг тегишли стандартларни билиш даражаси исботланиши лозим бўлади. Бундан ташқари, аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этилаётган аудиторлик хулосасида, албатта, молиявий ҳисобот кўрсаткичлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилганлиги кўрсатилиши керак.

Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботи тўғрилигини текшириш, унга аудиторлик ташкилоти томонидан ҳолисона баҳо бериш, объектив ва ҳаққоний аудиторлик хулосаларини беришда аудиторлик ҳисоботини талаб даражасида бўлиши, уларнинг шакл ва тамойиллари халқаро мезонларга жавоб бериши муҳим долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, аудиторлик текширувини 2 гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. Молиявий ҳисоботлар аудити;
2. Махсус саволлар аудити.

Молиявий ҳисоботлар аудити компания ва фирмалар томонидан тузилган молиявий ҳисобот шаклларидаги кўрсаткичларни бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мос келишини текшириб баҳо бериш ҳисобланади.

Махсус саволлар аудити алоҳида масалалар бўйича текшириш ва унинг натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботини тузиш ҳисобланади. Бундай текширишни 2 гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик текширувларини ўтказиш;

2. Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари ва махсус саволларни аудиторлик текширувидан ўтказиш.

Биринчи гуруҳ саволларни аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида уларни, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб асосида амалга ошириш масаласини кўриш мумкин. Шу жумладан, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига кўра назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик текширувларини ўтказиш масаласи билан боғлиқ муомилаларни ҳал қилиш лозим. Бу аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосида ўтказилади. Аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича ишларга ҳақ тўлаш аудиторлик текширувини белгиланган орган ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу масалада профессор Р.Дўсмуратов томонидан қуйидагича фикр билдирилган: «Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунчилигига мувофиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (тергов органлари, суд ва арбитраж суди) хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик текширувидан ўтказишга топшириқ беришлари мумкин. Бундай топшириқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қуйидаги вазифалар юзага келганда берилади:

- қўзғатилган (қайта кўриладиган) жиноий ишлар;
- фуқаролик ишини қабул қилиш ( ва қайта кўриш);
- арбитраж судининг идоравий тасарруфидаги ишлар» [5; 52-53-б.].

Иккинчи гуруҳдаги масала аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг айрим фаолиятлари, масалан, солиққа тортиш, валюта операциялари, асосий воситалар каби фақат айрим масалалар бўйича тузилган шартнома асосида амалга ошириладиган хизмат турлари бўйича бўлади. Ушбу шартнома асосида аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида молиявий ҳисоботлар аудити эмас, фақат махсус саволларни текшириш амалга оширилади.

«Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларида назарда тутилган бошқа профессионал хизматларни ҳам кўрсатишлари мумкин» [1]. Ушбу ишларни амалга оширганда айрим хизмат турлари бўйича, масалан, молиявий таҳлил, солиқларни текшириш каби ишларни амалга оширганда қилинган ишлар натижаси бўйича умумлаштирувчи ҳужжатлар тўлғазилиши керак, унинг шакли қандай бўлишлигини белгилаб олиш лозим. Аудиторлик текшируви хўжалик

юритувчи субъект қатнашчилари (акциядорлари) ёки назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари топшириғига биноан аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилаётган бўлса, аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текшируви топшириғига биноан ўтказилаётган шахсга ҳам тақдим этилади.

Махсус топшириқлар бўйича аудиторлик ҳисоботини тузиш масаласи қуйидаги аудитнинг халқаро стандартлари ва аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларида белгиланган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Махсус топшириқлар бўйича аудиторлик ҳисоботининг қиёсий таҳлили**

АХС	АХС номи	АФМС	АФМС номи
№ 800	Махсус мақсадга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудитининг хусусиятлари	№80	Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи
№805	Махсус молиявий ҳисоботлар ва молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар, счётлар ёки моддалар аудитининг хусусиятлари		
№810	Қисқа молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса тайёрлаш бўйича топшириқлар		

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, аудитнинг халқаро стандартлари аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига нисбатан батафсилроқ ишлаб чиқилганлигини кўришимиз мумкин. Бундан алоҳида махсус элементлар, счётлар ёки моддалар аудитининг хусусиятлари, қисқа молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса тайёрлаш бўйича топшириқлар батафсил берилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, аудитнинг халқаро стандартларида уларнинг моҳияти бўйича масалалар ёритилиши белгиланган. АХС № 800- «Махсус мақсадга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар аудитининг хусусиятлари» номли стандартда «*Махсус мақсадли молиявий ҳисоботлар*» – махсус мақсадли асосга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлар. *Махсус мақсадли асос* – муайян фойдаланувчиларнинг молиявий маълумотларга бўлган талабларини қондириш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш асоси. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш асоси – молиявий ҳисоботни ҳаққоний тақдим этиш асоси ёки мувофиқлик асоси бўлиши мумкин [2], дейилган.

Махсус мақсадли молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламида ҳисоб сийесатининг асосий қоидалари ва бошқа шарҳловчи маълумотлар акс эттирилади. Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун қўлланиладиган асосий талабларда молиявий ҳисоботлар шакли ва мазмуни ҳамда молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами таркибига нима кириши лозимлиги ифодаланади.

Ушбу масалада АФМС №80 «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи» номли стандартда аудитор ҳисоботи қуйидагиларнинг аудиторлик текширувлари яқунлари бўйича тузилади:

- а) молиявий ҳисоботнинг айрим ҳисобварақлари ёки бўлимлари ва

уларнинг тўғрилигини баҳолаш мақсадида;

б) унумдорлик ва самарадорликни баҳолаш мақсадида хўжалик тизимининг айрим қисмлари;

в) шартнома шартларига риоя қилиш;

г) хўжалик юритувчи субъект хўжалик тизимининг айрим қисмлари (элементлари) қонун ҳужжатларига, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан белгиланган меъёр ва қоидаларга мос келиши;

д) консолидацияланган молиявий ҳисоботнинг айрим ҳисобварақлари ёки бўлимлари;

е) бошқа молиявий ахборот [2]. Ушбу махсус саволлар маълум бир масалаларни ўз ичига олади. Масалан: дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аудити бўйича саволларни текшириш натижаси бўйича тузиладиган ҳисоботдан иборат бўлади.

Лекин халқаро стандартларда алоҳида қўшимча стандартлар мавжуд бўлиб, уларда АХС 805-«Махсус молиявий ҳисоботлар ва молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар, счётлар ёки моддалар аудитининг хусусиятлари» номли стандартда айрим молиявий ҳисоботлар ҳамда молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар, счётлар ёки моддалар аудитига нисбатан қўллашга доир махсус масалалар кўриб чиқилади. Айрим молиявий ҳисоботлар ёки молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар, счётлар ёки моддалар умумий мақсадли асос ёки махсус мақсадли асосга мувофиқ тайёрланиши мумкин. Ушбу АХС фақат махсус мақсадли саволлар аудити бўйича қўлланилиб, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботлари аудити ва молиявий ахборот бўйича бажарилган иш натижасида чоп этиладиган аудитор ҳисоботига нисбатан қўлланилмайди. Ушбу АХС талаблари бошқа АХС талабларига нисбатан устунликка эга бўлмайди; шунингдек, у шартнома талабларидан келиб чиққан ҳолда фақат белгиланган махсус масалаларни кўриб чиқишни назарда тутди.

Аудитнинг халқаро стандартларини айрим молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар, счётлар ёки моддалар аудитига нисбатан қўллашда аудиторнинг мақсадлари қуйидаги ҳолларда долзарб аҳамият касб этадиган махсус масалаларни тегишли равишда ҳисобга олишдан иборат:

а) келишув шартларини қабул қилиш;

б) мазкур келишувни режалаштириш ва бажариш;

в) айрим молиявий ҳисобот ёки молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар, счётлар ёки моддалар бўйича аудитор фикрини шакиллантириш ва аудиторлик ҳисоботини тақдим этиш.

Айрим молиявий ҳисоботлар ёки молиявий ҳисоботдаги махсус элементлар аудити ўтказилган ҳолда бу талаб аудитор хўжалик субъекти молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўплами аудитини ҳам ўтказиши ёки ўтказмаслигидан қатъи назар қўлланилади. Агар аудитор хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботларининг тўлиқ тўплами аудитини ўтказиш учун жалб этилмаган бўлса, у айрим молиявий ҳисоботлар ёки мазкур молиявий

ҳисоботдаги махсус элементлар аудитини АХСга мувофиқ амалга ошириш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аниқлаши лозим.

Аудитнинг халқаро амалиётида АХС 810- «Қисқартирилган молиявий ҳисоботлар бўйича хулоса (ҳисобот) тақдим этиш келишувлари» номли стандартдан фойдаланилади. Ушбу Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) да аудиторнинг текшируви АХСга мувофиқ айти шу аудитор томонидан ўтказилган молиявий ҳисоботлар таркибидан чиқарилган қисқартирилган молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот (хулоса) тақдим этиш бўйича келишувга нисбатан жавобгарлиги кўриб чиқилади. Ушбу стандартга кўра аудиторнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

1. Қисқартирилган молиявий ҳисоботлар бўйича аудитор ҳисоботи тақдим этиш келишувини қабул қилиш ўринлилиги ёки ўринли эмаслигини аниқлаш;

2. Агар аудитор қисқартирилган молиявий ҳисоботлар бўйича аудитни амалга ошириш учун жалб қилинган бўлса:

– қисқартирилган молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини тасдиқлаш учун олинган аудиторлик далиллари асосида аудиторлик ҳисоботини баҳолаш;

– аудитор ёзма ҳисобот маълумотлари асосида якуний натижа бўйича фикрини шакллантиришда:

(а) *Қўлланилган мезонлар* – қисқартирилган молиявий ҳисоботларни тузишда хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан қўлланилган мезонлар;

(б) *Молиявий ҳисоботлар аудити* – аудитор томонидан АХСга мувофиқ аудит ўтказилган молиявий ҳисоботлар [3] бўлиб, улар асосида қисқартирилган молиявий ҳисобот шакллари тузилади.

*Қисқартирилган молиявий ҳисоботлар* – молиявий ҳисоботлардан олинган, аммо молиявий ҳисоботларга қараганда камроқ тафсилотларга эга бўлган тарихий молиявий маълумотлар, бироқ, шунга қарамасдан, тадбиркорлик субъекти иқтисодий ресурс ёки мажбуриятларининг маълум пайтдаги ҳолати ёки маълум давр мобайнидаги ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар молиявий ҳисоботларда тақдим этилган структурасига мос равишда қисқартирилган молиявий ҳисоботларда ҳам тақдим қилинади [3]. Бундай тарихий молиявий маълумотларни таърифлаш учун турли давлатларда турлича терминология қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, АХС 810-«Қисқартирилган молиявий ҳисоботлар бўйича ҳисобот (хулоса) тақдим этиш келишувлари» номли стандартларда акс этирилиши белгиланган[9]. Ушбу стандартларда тегишли махсус саволларни текшириш тартиби белгиланган. Махсус масала бўйича аудиторлик ҳисоботи молиявий ҳисоботлар аудити бўйича тузиладиган ҳисоботлардан фарқ қилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъектда дебиторлик қарзи ҳисоби (яъни махсус мақсадли асос)га мувофиқ, шерикларга алоҳида фойда солиғи бўйича декларацияларни тайёрлашда кўмаклашиш мақсадида тайёрланади.


Аудит келишуви шартларида тадбиркорлик субъекти раҳбариятининг молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгарлиги тавсифи АХС №210 га

мувофиқ акс эттирилган.

Махсус саволни текшириш буюртмачиси молиявий ахбороти текшириладиган хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори, иштирокчи ва акциядорлари, мазкур хўжалик юритувчи субъектда махсус саволни текширишни ўтказиш ташаббускори бўлган назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўлиши мумкин.

Махсус саволни текширишни ўтказиш бўйича ишларга тегишли текширув буюртмачиси ҳисобидан ҳақ тўланади [2].

Аудиторлик ташкилоти махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи шаклининг бир хилда бўлишига риоя қилиши лозим. Шу мақсадда муаллиф томонидан таклиф этилган аудиторлик ҳисоботининг мақбул варианты, ушбу саволларни текшириш ва унинг натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботини тузишнинг соддалаштирилган ягона тартибини ишлаб чиқиш имкониятини беради.



### **1-чизма. Махсус саволларни текшириш натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботининг элементлари**

Биринчи навбатда, ҳисоботнинг номи бўлимида махсус саволни кўрсатган ҳолда текширув амалга оширилади. Яъни, адресатда махсус савол, текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг номи, адреси кўрсатилади.

Кириш қисмида аудиторлик ташкилотининг реквизити, лицензияси, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами, аудиторлар сертификати, банк реквизитлари кўрсатилади. Аудит ўтказувчи аудитор ва ёрдамчи аудиторлар кўрсатилади.

Асосий қисмда мижоз жавобгарлиги, аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги белгиланади.

Таҳлилий қисмда махсус саволларни текшириш вақтида аудитор томонидан бажариладиган аудиторлик амалларининг рўйхати, текширув вақтида қўлланиладиган стандартларга ҳаволалар кўрсатилади.

Аниқланган қоидабузарликлар қисмида махсус савол бўйича текшириш натижасида аниқланган қоидабузарлик ва уларни бартараф этиш тартиблари кўрсатилади.

Яқуний қисмда махсус саволни текшириш натижаси кўрсатилиб, яқуний хулоса шакллантирилади ва унда хулоса (ижобий ёки модификациялашган шаклда) акс эттирилади.

Махсус саволни текшириш бўйича аудитор ҳисоботининг ҳар бир саҳифаси махсус савол текширувини ўтказган аудитор (аудиторлар) томонидан имзоланиши керак.

Хуллас, махсус саволлар бўйича аудитор ҳисоботда текширув чоғида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича белгиланган тартибга кўра ўтказиладиган, текширув объектининг самарадорлигини ошишига олиб келадиган тавсия ва таклифлар бериши лозим.

Агар аудитор текширув объекти бўйича бир хилда фикр билдира олмаса, у яқуний қисмдан олдин мазкур қарорнинг муҳим асослари тушунтириладиган қўшимча қисмни киритиши лозим. Аудитор яқуний қисмдаги фикрини шакллантиришда қўшимча қисмда баён қилинган асослардан фойдаланади. Шундай қилиб, махсус саволни текшириш натижасида тузиладиган аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи шаклининг бир хилда бўлишига риоя қилиши лозим. Шу мақсадда муаллиф томонидан таклиф этилган аудиторлик ҳисоботининг мақбул варианты, ушбу саволларни текшириш ва унинг натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботини тузишнинг соддалаштирилган ягона тартибини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Бу жараёнда махсус саволни текшириш бўйича аудитор ҳисоботининг умумий шакли ишлаб чиқилди, унинг асосий кўрсаткичлари, таҳлилий маълумотлари ва тақдим қилиш тартиби белгиланди. Зарурат бўлганда, аудиторлик ҳисоботида текширув чоғида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича белгиланган тартибга кўра, ўтказиладиган, текширув объектининг унумдорлиги ва самарадорлиги ошишига олиб келадиган тавсия ва таклифлар бериши аниқланди. Агар аудитор текширув объекти бўйича бир хилда фикр билдира олмаса, у яқуний қисмдан олдин мазкур қарорнинг муҳим асослари тушунтириладиган қўшимча қисмни киритиши лозим. Аудитор яқуний қисмдаги фикрни шакллантиришда қўшимча қисмда баён қилинган асослардан фойдаланади. Аудиторлик ташкилоти махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи шаклининг бир хилда бўлишига риоя қилиши лозим.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 май.
2. Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. -Т.:ЎБАМА, 2013. -321 б.



3. Аудитнинг халқаро стандарти №200, «Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш». 2009.

4. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. -М.: ИНФРА-М, 2009. -456 с.

5. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. -612 б.

6. Жарылгасова Б.Т., Суглобов А.Е. Международные стандарты аудита: Учебное пособие. 4-изд. -М.: КНОРУС, 2008. -400 с.

7. Кеворкова Ж.А. Международные стандарты аудита. Под редакцией, -М.: Юрайт. 2016. -458 с.

8. А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқулов Халқаро аудит. Дарслик. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2015. -348 б.

9. В.Dong, D.Robinson, L.Xu .“Auditor-client geographic proximity and audit report timeliness”. Journal of accounting literature. March.2018 y. P. 11 -19. [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com).